

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
ANDIJON MASHINASOZLIK INSTITUTI**

**MASHINASOZLIK
ILMIY-TEXNIKA JURNALI**

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И ИННОВАЦИЙ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
АНДИЖАНСКИЙ МАШИНОСТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ**

**НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
МАШИНОСТРОЕНИЕ**

**MINISTRY OF HIGHER EDUCATION, SCIENCE AND INNOVATIONS REPUBLIC
OF UZBEKISTAN
ANDIJAN MACHINE-BUILDING INSTITUTE
SCIENTIFIC AND TECHNICAL JOURNAL
MACHINE BUILDING**

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi (OAK) Rayosatining 2021-yil 30-dekabrda 310/10-son qarori bilan Andijon mashinasozlik institutining “Mashinasozlik” ilmiy-texnika jurnali “TEXNIKA” va “IQTISODIYOT” fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) va fan doktori (DSc) ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiya ishlari yuzasidan asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan.

Ushbu jurnalda chop etilgan materiallar tahririyatning yozma ruxsatisiz to‘liq yoki qisman chop etilishi mumkin emas. Tahririyatning fikri mualliflar fikri bilan har doim mos tushmasligi mumkin. Ilmiy-texnika jurnalida yozilgan materiallarning haqqoniyligi uchun maqolaning mualliflari mas‘uldirlar.

MASHINASOZLIK
ILMIY-TEXNIKA JURNALI

Bosh muharrir:

U.M.Turdialiyev – texnika fanlari doktori, k.i.x.

Mas’ul muharrir:

U.A.Madrahimov – iqtisodiyot fanlari doktori, professor.

T A H R I R H A Y ’ A T I

Negmatov Soyibjon Sodiqovich – texnika fanlari doktori, professor O‘ZRFA akademigi (TDTU);
Abralov Maxmud Abralovich – texnika fanlari doktori, professor (TDTU);
Dunyashin Nikolay Sergeevich – texnika fanlari doktori, professor (TDTU);
Norxudjayev Fayzulla Ramazanovich – texnika fanlari doktori, professor (TDTU);
Pirmatov Nurali Berdiyarovich – texnika fanlari doktori, professor (TDTU);
Salixanova Dilnoza Saidakbarovna – texnika fanlari doktori, professor (O‘ZRFA UNKI);
Siddikov Ilxomjon Xakimovich – texnika fanlari doktori, professor (TIQXMMI);
Fayzimatov Shuhrat Numanovich – texnika fanlari doktori, professor (FarPI);
Xakimov Ortiqali Sharipovich – texnika fanlari doktori, professor (Standartlashtirish, sertifikatlashtirish va texnik jihatdan tartibga solish ilmiy-tadqiqot instituti);
Xo‘jayev Ismatillo Qo‘shiyevich – texnika fanlari doktori, professor (Mexanika instituti);
Ipatov Oleg Sergeyevich – professor (Sankt-Peterburg politexnika universiteti, Rossiya);
Naumkin Nikolay Ivanovich - p.f.d., t.f.n., professor. (Mordov milliy tadqiqot davlat universiteti, Rossiya);
Aliyev Suxrob Rayimjonovich – fizika-matematika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent (AndMI);
Shen Zhili – professor (Shimoliy Xitoy texnologiyalar universiteti, Xitoy);
Hu Fuwen – professor (Shimoliy Xitoy texnologiyalar universiteti, Xitoy);
Won Cholyeon – professor (Janubiy Koreya Milliy tadqiqotlar fondi, Janubiy Koreya);
Celio Pina – professor (Setubal politexnika universiteti, Portugaliya);
Ricardo Baptista – professor (Setubal politexnika universiteti, Portugaliya);
Rui Vilela – professor (Setubal politexnika universiteti, Portugaliya);
Dmitriy Albertovich Konovalov - t.f.n., professor (Voronej davlat texnika universiteti);
Мухаметшин Вячеслав Шарифуллович – директор Института нефти и газа федерального государственного бюджетного образовательного учреждения высшего образования «Уфимский государственный нефтяной технический университет» (филиал в г.Октябрьском), доктор геологоминералогических наук, профессор.
Nimchik Aleksey Grigorevich – kimyo fanlari doktori, professor (TDTU Olmaliq filiali)
Muftaydinov Qiyomiddin – iqtisodiyot fanlari doktori, professor (AndMI);
Zokirov Saidfozil – i.f.d., (Prognozlashtirish va makroiqtisodiy tadqiqotlar instituti);
Orazimbetova Gulistan Jaksilikovna - t.f.d., dotsent (AndMI)
Jo‘raxonov Muzaffar Eskanderovich – iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (AndMI);
Ermatov Akmaljon – iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent (AndMI);
Qosimov Karimjon – texnika fanlari doktori, professor (AndMI);
Yusupova Malikaxon – iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent (AndMI);
Akbarov Xatamjon Ulmasaliyevich – texnika fanlari nomzodi, dotsent (AndMI);
Mirzayev Otabek Abdiraximovich – texnika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), (AndMI);
Soxibova Zarnigorxon Mutalibjon qizi – fizika-matematika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), (AndMI);
Raxmonov O‘ktam Kamolovich – texnika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), (TDTU, Olmaliq filiali);
Xoshimov Xalimjon Xamidjanovich – texnika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), (AndMI).
Kuluyev Ruslan Raisovich - texnika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), (TDTU).

Texnik muharrir:

B.I.Iminov, M.B.Kenjayeva – Andijon mashinasozlik instituti nashriyoti.

Tahririyat manzili: Andijon shahar, Bobur shox ko‘cha, 56-uy. **Tel:** +998 74-224-70-88 (1016)

Veb sayt: www.andmiedu.uz

e-mail: andmi.jurnal@mail.ru

“Mashinasozlik” ilmiy-texnika jurnali O‘zbekiston Respublikasi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligining 2020 yil 28- fevraldagi 04-53-raqamli guvohnomasiga binoan chop etiladi.

Mashinasozlik va mashinashunoslik. Mashinasozlikda materiallarga ishlov berish. Metallurgiya. Aviatsiya texnikasi	
Характеристика фосфоритов центральных кызылкумов <i>Орипова З.М., Ортикова С.С., Турдуалиев У.М.</i>	4
Takomillashgan linterlash jarayoni va arrali linter uskunalarning ish unumdorligini oshirish <i>Madrahimov D.U., To‘ychiyev Sh.Sh.</i>	11
Аналитическая оценка силы микрорезания при абразивоструйной обработке металлических поверхностей <i>Искандарова Н.К.</i>	16
Elektrodlar qoplamasi tarkibidagi legirlovchi elementlarning payvand chok xususiyatlariga ta’siri <i>Umarov A.M.</i>	24
Energetika va elektrotexnika. Qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishini elektrlashtirish texnologiyasi. Elektronika	
Sanoat korxonalarini elektr tarmoqlarida qayta tiklanuvchi energiya manbalarini yuklama ko‘rsatkichlari va elektr energiya sifat ko‘rsatkichlariga ta’siri <i>To‘xtashev A.A., Kadirov K.Sh.</i>	30
6,10/0.4 kV kuchlanishli ekspluatatsiyadagi kuch transformatorlarining pastki chulg‘amida kuchlanishni rostlovchi o‘ramlari soni va ko‘ndalang kesim yuzasini hisoblash <i>Qobilov M.X., To‘ychiyev Z.Z.</i>	39
Qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishini mexanizatsiyalash texnologiyasi	
Определение оптимальных параметров реактивной гидротурбины на основе колеса сегнера <i>Узбеков М.О., Урмонов С.Р.</i>	45
Kolosnik yo‘lakchalari bo‘ylab chigitlar to‘plamining harakati <i>Mamasharipov A.A.</i>	54
Sanoat pechlarining, yaratilish tarixi, ahamiyati va qo‘llanilish sohalari <i>Soxibova Z.M.</i>	59
Transport	
Motor moyi sifatini avtomatik nazorat qilishda pezo elementlarining o‘rni va ahamiyati <i>Saydaliyev I.N.</i>	63
Avtomobilsozlik sanoatida innovatsion indeks, asosiy tendensiyalar va muammolar <i>Islomov Sh.E., Shavqiyev E.A.</i>	72
Avtomobil polimer detallarini mahalliy polimer kompozitsion materiallardan quyish parametrlarini optimallashtirish <i>Almataev N.T.</i>	78
Iqtisodiyot	
Исламская финансовая система <i>Гулямов С.С., Шермухамедов А.Т., Саримсаков Х., Шермухамедов Б.А.</i>	83
Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish va ularning sanoatda va boshqa sohalardagi o‘rni va ta’siri. (Andijon viloyati misolida) <i>Ataxanov K.A.</i>	97
Ta’lim xizmatlari bozorida tadbirkorlikning mazmuni va mohiyati <i>Abdullayev A., Abdusattorov S.H.</i>	105
Кичик бизнес барқарор ривожланишида молиявий ресурсларнинг шаклланиш босқичлари <i>Кетманов А.М.</i>	111
Роль малого бизнеса в экономике страны, его дальнейшее развитие <i>Кенжаева М.Б.</i>	118

КИЧИК БИЗНЕС БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИДА МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Кетманов Авазбек Маликович

Андижон вилояти Давлат молиявий назорати
бошқармаси шўъба бошлиғи

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолода кичик бизнес барқарор ривожланишида молиявий ресурсларнинг ахамияти шунингдек, тадбиркорлик унинг моҳиятини тушунтирувчи назарий асослари, молиявий механизм назарияси муаммолари ёритилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, барқарор ривожланиш, тадбиркорлик, молиявий механизм, микрофирмалар, тадбиркор, хусусий мулк, минтақавий тижорат.

АННОТАЦИЯ

В данной статье описывается значение финансовых ресурсов в устойчивом развитии малого бизнеса, а также теоретические основы предпринимательства, объясняющие его сущность, проблемы теории финансовых механизмов.

Ключевые слова: малый бизнес, устойчивое развитие, предпринимательство, финансовый механизм, микрофирмы, предприниматель, частная собственность, региональная торговля.

ABSTRACT

This article describes the importance of financial resources in the sustainable development of small business, as well as the theoretical foundations of entrepreneurship explaining its essence, problems of the theory of financial mechanisms.

Key words: small business, sustainable development, entrepreneurship, financial mechanism, micro-firms, entrepreneur, private property, regional trade.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг биринчи галда айнан кичик бизнесни ривожлантиришга эътибор қаратгани бежиз эмас, чунки ҳар қандай катта бизнес ҳам майда ишлаб чиқариш, кичик тартибдаги бизнеслардан фаолият бошланган. Шу билан бирга, катта хўжалик юритувчи субъектларнинг кўпгина ҳажмдаги тадбиркорлигини кичик бизнес субъектлари амалга ошириб беради.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда тадбиркорликни, айниқса кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, уларнинг фаолиятида келиб чиқаётган муаммо ва тўсиқларни бартараф этиш бўйича комплекс чоралар кўриб келинаяпти. Малакатда тадбиркорлик ривожланиши учун унинг ҳуқуқий асослари яратилган. Жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 ноябрдаги ПФ-193-сон “Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги ПФ-21-сон “Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сон “[Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида](#)”ги Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сон “[Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида](#)”ги Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 15 ноябрдаги ПҚ-366-сон “Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 сентябрдаги ПҚ-306-сон “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги ПҚ-292-сон “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 12 ноябрдаги ПҚ-9-сон “[Германия тараққиёт банки иштирокида «Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида](#)”ги қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 20 январдаги 37-сон “«Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор.

Шу каби чиқарилган фармон ва қарорлар тадбиркорлар учун улкан рағбат бўлиб, ўз ташаббусларини амалга ошириш учун кенг майдон яратади.

Натижада кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши ижобий ўзгариб бориб, 2018-2023 йилларда ўртача 53,6 фоизни¹ ташкил этган. Шунга мутаносиб равишда иш билан бандлик даражаси ҳам ўзгариб бориб 2023 йилда 74,1 фоизга² етди. Мазкур ўзгаришлар бир қатор давлатлар билан солиштирилганда ҳам ижобий ҳолатларга эга.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги ВМҚ 275-сон “Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида кичик тадбиркорлик субъектларига кирадиган ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ) асосида, кичик тадбиркорлик субъектларини тармоқлар кесимида ишловчи ходимлар сони бўйича ажратиб берилган. Бунга кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида ташкил қилинган микрофирмаларда 1-20 кишигача ходим бўлиши ҳамда кичик корхоналарда 21-50 (денгизда балиқ овлаш 21-25) тагача ходим бўлиши назарда тутилган. Саноат соҳасидаги микрофирмаларда 1-20 (баъзи йўналишларда 1-10) кишигача ва кичик корхоналарда йўналишига қараб 21-50, 21-100 ва 21-200 тагача ходим бўлиши орқали ажратиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Қурилишда ташкил этиладиган микрофирмаларда 1-20 кишигача, кичик корхоналарда 21-50 тагача ходим бўлиши кўрсатиб ўтилган. Хизмат кўрсатиш соҳаларида ташкил қилинган микрофирмаларда йўналишларига қараб 1-5, 1-10 ва 1-20 тагача, кичик корхоналар йўналиши бўйича 6-25, 11-25, 11-50, 11-100, 21-25, 21-50 ва 21-100 тагача ходим ишлаши кўзда тутилган³.

Шундай бўлсада, кичик бизнеснинг таснифий белгиларидан қатъий назар унинг асосий мақсади жамиятда товар ва хизматларни яратиш, кишиларнинг талаб

¹ Stat.uz/ Статистика агентлиги сайти маълумотлари.

² Ўша манба

³ Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги ВМҚ 275-сон “Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. www.lex.uz

эҳтиёжларини қондиришдан иборат. Жаҳон ҳамжамияти ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан ривожланиб борар экан, инсонларнинг истеъмол товарлари ва хизматларга бўлган эҳтиёжлари тўхтовсиз ўсиб боради. Эҳтиёжларнинг ортиб бориши объектив ҳолат ҳисобланади. Унинг талабларини ҳисобга олган ҳолда хўжалик фаолиятини юритиш ҳар қандай ривожланишнинг зарурий вазифаси. Шундай экан, кичик бизнес ва тадбиркорликни молиявий ресурслар билан мақбул таъминлаш масаласи кун тартибига чиқади. Бунда, кичик бизнесни молиявий ресурсларини шакллантиришда корхона ўзига фойда келтирадиган йўналишларга эътибор қаратиши аҳамиятли. Бу ўринда, кичик бизнеснинг молиявий ресурслари, уларни шакллантириш манбалари ва усуллари билан боғлиқ тадқиқотларни қараб ўтамыз.

Ю.Л.Куличенко- молиявий ресурслар маблағларнинг бир қисми бўлиб, корхона ташкил этилганда шаклланган ва у орқали олинган операцион, инвестицион ва молия натижаларга эришиладиган, белгиланган вазифалар эришиш учун амалга ошириладиган тадбирлар ва мажбуриятларни бажаришдир деб ҳисоблайди⁴.

Т.С.Тимерьянов эса молиявий ресурслар – бу пул маблағлари тўпламидир, корхона фондларини шакллантириш учун мўлжалланган, барча турдаги фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган активлардир, деб таъриф беради⁵.

Б.А.Райзберг молиявий ресурслар деганда, хўжалик юритувчи субъектга тегишли бўлган ҳар хил турдаги маблағлар ва молиявий активлар йиғиндиси сифатида тушунади⁶.

В.Г.Золотогоров фикрича, молиявий ресурслар деганда, бизнеснинг ихтиёрида бўлган даромадлар, жамғармалар ва нақд пул тушумлари тушунилади, уларнинг асосий мақсади мавжуд молиявий мажбуриятларни бажариш, такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш, молиявий ва иқтисодий рағбатлантириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш ва ишчиларнинг эҳтиёжларини қондиришдир⁷.

И.А.Бланкнинг таъкидлашича, молиявий ресурслар мақсадли характердаги маблағлар шаклида келадиган ўз ва қарз маблағлари, шунингдек, уларнинг эквивалентлари йиғиндиси бўлиб, уларнинг мақсади келгуси даврларда унинг иқтисодий фаолиятини таъминлашдир⁸.

К.У.Кошкарбаев молиявий ресурслар –корхоналар ихтиёридаги пул маблағлари ва жамғармалари, такрор ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун мўлжалланган харажатларни, молия-кредит тизими олдидаги мажбуриятларни бажариш, ишчиларни моддий рағбатлантириш ҳамда қарз маблағлари ҳам молиявий ресурсларнинг бир қисмидир деб таъриф беради⁹.

Юқоридаги олим ва тадқиқотчиларнинг фикрларидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, кичик бизнесда молиявий ресурс – бу корхонани молиявий фаолиятини қоплаши ва ривожланиши учун зарур бўлган капиталдир. Шундай экан, кичик бизнесни молиявий фаолиятини амалга ошириш ва уни ривожлантириш учун молиявий ресурсларнинг қандай манбалари бор ва улар билан боғлиқ олимларни изланиш натижаларини ҳам кўриб чиқамиз.

А.А.Дюкинг фикрича, кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш жараёнида молиялаштиришнинг асосий манбаларига эътибор қаратиш зарур. Муаллиф

⁴ Басовский Л.Е. Финансовый менеджмент: Учеб. Для вузов. – М.: НИЦ ИНФРА-М, 2019.

⁵ Тимерьянов Т.С. Понятие и функции финансовкх ресурсов предприятия. Экономика и социум. №12 (103) 2022

⁶ Райзберг Б.А. Финансы предприятий. Учебник для вузов. – М.: Финансы и статистика, 2017. – 432 с.

⁷ Золотогоров В.Г. Экономика: энциклопедический словарь. 4-изд. – Минск: Книжный дом, 2021. – 598 с.

⁸ Бланк И. Финансовый менеджмент. 5-изд. – М.: Ника-Центр, 2019. – 552 с.

⁹ Кошкарбаев. К.У Финансовые ресурсы корпорации: теория, практика и менеджмент, Алматы, ТОО «Издательство LEM» 2004

тадқиқотларида кичик бизнеснинг молиявий манбалари сифатида куйидагилар келтириб ўтган:

- ўз-ўзини молиялаштириш;
- низом сармоясига таркибидаги пул маблағлари;
- асосий фондлар амортизация жамғармаси;
- олинган қарз маблағлари;
- банк ва тижорат кредитлари;
- облигацияларни чиқариш ва жойлаштириш;
- акциялар чиқариш ва жойлаштириш.

Муаллиф таъкидлашича, молиявий ресурсларнинг шаклланиши корхона ташкил этилган пайтдан бошланади. Устав капиталининг манбалари бюджет маблағлари, узоқ муддатли кредитлар, акционерлар капитали бўлиши мумкин¹⁰.

Фикримизча, А.А.Дюкин кичик бизнесни молиялаштириш манбаларини умумий ҳолда таснифлаган. Бугунги кунда қимматли қоғозлар кичик бизнес фаолиятида камдан-кам қўлланилади ва мазкур бозорга кичик бизнес субъектларининг кириш имкониятлар чекланган. Яъни корхона қанчалик кичик бўлса қимматли қозлар чиқариш учун маълумотларни тўплаш ва чиқариш харажатлари шунча кўп бўлади. Шу сабадан, кичик бизнес корхоналари молиявий бозорларда қочиб қўлади. Юқоридаги тадқиқотларда эса, молиявий манбалар қаторида облигация ва акция каби янглиш фикрлар билдирилган.

Шунингдек, молиявий ресурсларнинг яна бир манбаи франчайзингдир. Бу интеллектуал мулк бир нечта шерикларни маълум бир мақсад билан бирлашган ҳолда ягона товар белгиси, технология ва бошқа ҳуқуқ объектларидан биргаликда фойдаланади. Ушбу жараён пул маблағлари тўловлари эвазига барча технологиялар билан бирга тажриба ва билимларни бериш билан амалга оширилади.

Шундай экан, тадбиркорликни ташкил этишнинг бошланғич босқичида кичик бизнес субъектлари бир қатор молиявий ресурслар билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқда.

Жумладан, фаолият юритиб келаётган кичик корхоналар асосий фондларини янгилаш ва моддий техника базасини ривожлантиришда молиявий маблағлар етишмаслиги кузатилмоқда. Кўпинча корхоналарда замонавий асбоб-ускуналар сотиб олиш ва ишлаб чиқаришни кенг қўламли реконструкция қилиш учун етарли маблағ йўқ. Бу муаммони ечими кичик корхоналар учун юқорида муаллиф кўрсатган молиявий ресурсларни шаклланиш манбаларидан ташқари, мулкни сотиб олишни лизинг шаклини жорий қилиш ҳисобланади.

Амалиётда лизинг хизматлари тадбиркорликни янги бошлаган ва маблағи чекланган бўлса ҳам бизнесни очиш ҳамда унинг кенгайтириш имконини беради. Чунки лизинг ускуналарни бир марталик ва тўлиқ тўловсиз олишни тامينлайди. Бу ўз навбатида янги бизнесни ташкил қилиш имконини беради. Натижада, лизинг механизмларидан фойдаланиб лизингга олувчи асбоб-ускуналарни сотиб олиш ва уни молиялаштириш масалаларини деярли бир вақтда ҳал қилади.

Тадқиқотчи олимлар Н.И.Морозко ва В.Ю.Диденколар кичик корхоналарда молиявий ресурсларни шаклланишини иккита манбаларга ажратган:

а) ички манбалар:

ўз маблағлари - асосий фаолиятдан олинган фойда, молиявий операциялардан олинган фойда, инвестиция фаолиятдан олинган фойда;

¹⁰ Формирование финансовых ресурсов малого предпринимательства. Дюкин А.А. 2018 г журнал Достижения науки и образования, <https://cyberleninka.ru/article/n/formirovanie-finansovyh-resurov-malogo-predprinimatelstva>

эгаллик эквивалентидаги маблағлар – акциялар ва аъзолик бадаллари, тақсимланмаган фойда, амортизация ажратмалари, активларни сотишдан олган даромадлар;

б) ташқи манбалар:

молия бозоридан жалб қилинган манбалар - узоқ муддатли кредитлар ва ссудалар;

қўллаб –қувватлаш, қайта тақсимлаш тартибидаги манбалар - бюджетдан ажратмалар, субсидиялар, хатарларни суғурталаш ҳолати, уюшмалар, саноат ва ҳудудий тузилмалар молиявий ресурслари¹¹.

А.Жузбаев ҳам кичик бизнес корхоналари фаолиятини молиялаштиришнинг иккита асосий, яъни, ички ва ташқи манбаларига ажратган. Ички манбалар одатда корхонанинг ўз (хусусий) маблағлари бўлиб, асосан соф фойда, амортизация ажратмалари, мулкдан олинadиган даромадлар ва бошқалардан иборат бўлади. Ташқи манбалар корхонанинг қарз маблағлари бўлиб, унинг таркибига банк кредити, лизинг, инвестициялар, давлат субсидиялари, қимматли қоғозлар эмиссияси ва бошқалар кириши мумкин, деб тарифлайди¹².

Тадқиқотчи Г.Д.Ҳасанова ҳам юқоридаги каби молиявий ресурс манбасини ички ва ташқи манбага ажратган.

Молиялашнинг ички манбаси бўлиб-тадбиркорлик субъектининг ўз маблағлари, низом сармояси таркибидаги пул маблағлари, фаолиятдан олинган фойда, амортизация жамғармаси, текнга берилган маблағлар киради.

Молиялашнинг ташқи манбаларига- кредиторлар, инвесторлар, ижарачилар, суғурталар, лизинг ва бошқа тузилмалар киради деб изоҳлайди¹³.

Муаллифлар молиявий ресурс манбаларини иккига ажратган ҳолда кенгроқ ва батафсилроқ ёритиб берган. Фикримизча, олимларнинг кичик бизнес субъектларини дастлабки босқичида молиявий ресурсларни шакллантиришнинг юқорида санаб ўтилган манбаларидан энг қулайи биринчи навбатда ўз маблағларидан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиши лозим. Ундан сўнг унинг самарадорлигини ошириш бўйича инновацион ёндашувлар қилиш мумкин. Сабаби тадбиркорлик аввало маълум бир таваккалчиликка асосланган ҳолда фойда олишга қаратилган фаолият тури сифатида талқин этадилар. Бунда, энг кам риск ўзини ўзи молиялаштириш ҳисобида вужудга келади. Кичик корхона ташкил этишда таъсисчилар ва бошқа иштирокчиларни ҳамда қарз ва бюджет маблағларини ҳам олиш мумкин. Лекин бу маълум бир босқичларни талаб қилади. Жумладан, бизнесни бошлаш ёки ривожлантириш учун муайян инвестиция, сўнгра операцион фаолиятни амалга ошириш учун қўшимча молиявий ресурслар эҳтиёжини оқлайдиган юқори сифатли бизнес режа зарур бўлади.

В.А.Наумкин – тадқиқотчилар корхона учун ўнлаб молиявий манбаларни аниқлайдилар, аммо молиявий ресурсларнинг умумий қабул қилинган барча манбалари мавжуд эмас, кичик корхоналар ушбу манбалардан ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланадилар, деб ёзади¹⁴.

Ўтказилган изланишлар натижасига асосан кичик бизнес субъектларини молиявий ресурслари таркибий тузилишини икки қисмга ажратиш мақсадга мувофиқ

¹¹ Морозко Н.И. Финансовый менеджмент в малом бизнесе: учебное пособие/Н.И.Морозко, В.Ю.Диденко.-М.: Инфра-М, 2017. -347с.

¹² А.Жузбаев Кичик бизнес корхоналари фаолиятини молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. УЎТ:339.727.22

¹³ Г.Д.Ҳасанова Кичик бизнеснинг молиявий ресурс манбалари. “Science and education” scientific journal/2023

¹⁴ Наумкин В.А. Источники финансовых ресурсов предприятий малого бизнеса на различных стадиях жизненного цикла предприятия/ Экономические науки.-2018. №159-С.40-42

(1-1 расм). Бу манбалар кичик бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорларнинг молиявий ресурсларини шакллантиришда жуда муҳим рол ўйнайди.



1-1-расм. Кичик бизнес корхоналарида молиявий ресурсларни шаклланиши манбалари¹⁵.

Бугунги кунда кичик бизнес давлат ҳамда инвесторлар томонидан тегишли ресур ёрдамсиз ривожланиши мумкин эмас. Тадқиқотларимиз натижасига таяниб хулоса қиладиган бўлсак, кичик бизнеснинг молиявий ресурслари - бу унинг молиявий мажбуриятларини бажариши, ишлаб чиқариш жараёнларини қўллаб –қувватлаши, кенгайтириш харажатларини қоплаши учун мўлжалланган даромадлар ва ташқи тушумлар кўринишидаги маблағларидир.

Демак, кичик бизнес барқарор ривожланишида бюджет, солиқ, кредит ва ўз-ўзини молиялаштириш механизмларидан фойдаланиб молиявий ресурсларни шакллантириши ҳамда ўз ресурсларидан самарали фойдланиш омилларга эътибор қаратиш зарур.

Фойдаланган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 10 февралдаги ПФ – 21-сон Фармони. www.lex.uz

2. Гурьянов П.А. О предпринимательстве // Современные научные исследования и инновации. 2011. №3 [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://web.snauka.ru/issues/2011/07/1453>

3. Беленький В. Х., Паульман В. Ф. Предпринимательство: развитие, природа, проблемы. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://ecsocman.hse.ru/data/2013/03/11/1251433518/Belenkiy.pdf>

4. Блауг М. Закон рынков Сэя // Экономическая мысль в ретроспективе = Economic Theory in Retrospect. – М.: Дело, 1994. – С. 136-150. – XVII, 627 с. – ISBN 5-86461-151-4

¹⁵ Ўрганилган адабиётлар орқали муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

5. Друкер П. Ф. Рынок: как выйти в лидеры. Практика и принципы – М., 1992 С. 30-31
6. Grebel T. Entrepreneurship: a new perspective – N.Y., Routledge, 2004 P. 7
7. Предпринимательство / Под ред. М.Г. Лапусты – 4-е изд., испр. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2007. С. 5
8. Торстейн Веблен. Теория делового предприятия. – М.: Дело, 2007. – 288 с.
9. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://baguzin.ru/wp/?p=13769>
10. Теории предпринимательства. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://newinspire.ru/lektsii-po-gosregulirovaniu-ekonomiki/teorii-predprinimatelstva-2233>